



Дунё микёсида савдо-сотикнинг 20% даромади халол озик-овкат савдосидан тушади. Бирок олмон дўконларида саккиз кирра юлдуз ичига “халол” сўзи зарб этилган маҳсулот танкис. Ўз-ўзидан “Олмон савдо тизимида мусулмон харидорига эхтиёж борми?” деган ўринли савол туғилади.

Дунёдаги мусулмон уммати 1.6 млрд одамни ташкил этади. Уларнинг аксарияти ўз динининг тамойилларида мувофик, яъни халол овкат истеъмол киладилар. Айрим хисоб-китобларга кўра, дунё микёсида савдо-сотикнинг 20% даромади халол озик-овкат савдосидан тушар экан. Мутахассисларнинг фикрича, бу ракамнинг Олмония бозоридаги улуши 5 млрд еврони ташкил килиши мумкин. Бу мамлакатда 4 миллиондан ортик мусулмон истикомат килиши эътиборга олинса, бу ажабланарли ракам эмас. Бирок халол маҳсулот билан савдо килувчи олмон ширкатлари ўз ракибларидан сезиларли даражада оркада колиб кетгандар.

«Олмон тадбиркорлари халол маҳсулотлар савдосига жуда хам кеч киришдилар» дейди Аня Шли. У олмон-турк озик-овкат маҳсулотла симпозиумида катнашар экан: «Уларнинг тутган ўринлари франсуз, холланд ёки британ ширкатлари мавкесидан анча заиф», - деди.

Даромадли иш

Ўз маҳсулотларини мусулмон ўлкаларга экспорт килишни йўлга кўйиб олган халкаро ширкатларларнинг тажрибасига кўра, Ислом шариатига мувофик келган озик-овкат савдоси мўмайгина даромад келтиради. Мазкур ширкатлардан бири Швейцариянинг «Нестле» консерни бўлиб, халол маҳсулот савдоси бу ширкатга даромадининг 5%-ни келтиради.

2010-йилнинг куз мавсумидан бошлаб бу маҳсулотларни энди Олмония дўконларида хам топиш мумкин. «Нестле»нинг Олмониядаги бўлимининг матбуот котиби Серен Пинковнинг сўзларига кўра, консерн Олмонияда яшайдиган кўп сонли мусулмон мижозларга аллакачон эътибор берган.

«Улар «Нестле» учун келажакда савдо-сотик килишда тижорий салохияти юкори бўлган

эхтимолий мижозлардир».

Бир катор Оврупо мамлакатларида, жумладан Франсияда, Белгияда ва Холландияда озик-овкат ишлаб чикарувчи консернлар мусулмон мижозларни жалб килишга харакат киладилар. Аммо олмон тадбиркорлари ва ширкатлари бундай кадам кўйишга журъят кила олмаяптилар. Кўпчилик халол махсулот савдоси уларнинг обрўйига футур етқизиши мумкин, деб кўркадилар. Чунки кўпчилик гайридин мижозлар бундай харакатда ўз жамиятларнинг «исломлашиб» кетиш «хавфидан» хавотирдалар. Ўнгчи экстремист гурух вакиллари хатто очикчасига айбловларни бошлаб юборишлари хам мумкин.

«Шунинг учун, – дейди Аня Шли, – халол махсулот ишлаб чикарувчи ширкатлар «жимгина юриш» яхширок, деб биладилар». Махсулотнинг халоллигига далолат килувчи ёрлик кўзга ташланмайди; бунинг устига олмон дўконларида алоҳида халол расталар хам йўк.

Халолми ёки халол эмасми?

Шундай бўлсада, олмон дўконларида мусулмонлар истеъмол килишлари мумкин бўлган кариб 4 000 хил турли махсулот сотилади. Бирок уларга «халол» тамгаси босилмаган. Хўп, уларнинг халол эканлигини кандай билиш мумкин?

«Нуга, ун, гуруч, шакар, ўсимлик ёги, ёнгок-магизлар, лактоза, какао кукуни, туз, эмулгатор, соя леситини — буларнинг барчаси халол ва сотиб олсан бўлади», – дейди Мелиха Серифижон ва аравачасига икки кути жўхоридан ясалган бўтка солади. 39 ёшли тур аёл озик-овкат солинган аравачасини катта супермаркетнинг расталар орасида туртиб юрибди. Кейинги «манзил» - кандолат махсулотлари. Мелиха кўлига печение кутисини олади.

«Е 471, Е 476, Е 475 – буларни рўйхатдан караш керак», дедида тўнининг чўнтағидан тўртга буқланган бир парча когоz чикарди. Когозчада 300 дан зиёд эмулгаторлар кискартмалари бор. Таркибида алкогол ёки хайвон ёги бор эмулгаторлар юлдузча билан белгиланган. Бундай рўйхатлар исломий вебсаҳифаларда бисёр. Мелиха керакли кискартмани топди ва кутини жойига кайтарди – у халоллик талабларига жавоб бермади.

Аёлнинг сўзларига кўра, эмулгаторларнинг таркиби яхшилаб ўрганилади. Рўйхатни тузувчилар махсулот ишлаб чикарувчилар билан бевосита боғланиб, унинг таркибида нималар бор, кандай кимёвий элементлар мавжуд эканини ўрганадилар ва шундан кейингина рўйхатга киритадилар.

Мелиха музлатилган курка кўйилган раста олдида хатто тўхтамади, чунки у олмон дўконларидан гўшт сотиб олмайди. Лекин «Анвойи балик» идишини текшириб кўриш мумкин.

«Йўк, бу «Анвойи балик» хам бўлмайди экан. Балик, сабзавотлар, сув, помидор, эдам пишлоги бор экан. Буларни истеъмол килиш мумкин, бирок улар билан яна желатин хам кўшилган экан. Уни эса истеъмол килиш мумкин эмас», – дейди мижоз аёл.

Вактинчалик муаммо

Халол махсулот излаш кўп вакт талаб киладиган ишга айланиб бормокда. Шу билан бирга Олмонияда турк ва араб тадбиркорлари асос соглан ва бевосита араб давлатларидан махсулот импорт килувчи дўконлар кўпаймокда. Хўш, олмон улгуржи савдо ширкатлари мусулмон мижозларни ўзларига жалб кила оладиларми? Бремен шахридаги халол махсулот сертификати берувчи ташкилот бошлиги Ёвуз Ўзўгуз ба масала вактинчалик масала эканлигига ишонади.

«Франсиянинг кўплаб супермаркетларида халол махсулот сотиладиган бутун бошли расталар бор ва у ердан истаган нарсани топиш мумкин. Назарий нуктаи назардан каралса, айнан шу ишни Олмонияда хам килиш мумкин», — дейди Ўзўгуз.

"Deutsche Welle"